

ЮРИДИК ШАХС ВА ЮРИДИК ШАХС СИФАТИДА ШАКЛЛАНМАГАН  
ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРГА ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ  
ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ

17.01.2022

(сана)

№ 26608

Шахрисабз  
шаҳар(аҳоли пункти)

“Ўзбектелеком” АК Қашқадарё филиали номидан бундан буён “Оператор” деб аталувчи

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитаси  
(лицензия берган ташкилотнинг номи)

“Ўзбектелеком” АК Қашқадарё филиали Шахрисабз ТКБ бошлиғи А.П.Зайнитдинов

Телекоммуникация Оператори (ваколатли шахс) бир томондан ва бундан буён “Абонент” деб аталувчи

Юридик шахс (Хусусий тадбиркор)

Талабнома берувчи: Шахрисабз туман Ободонлаштириш Бошқарма

Манзили: Шахрисабз шаҳар Аспиналлоб кўчаси 76.

Аренда

Бош директор Ш. Турдиев Телефон

Бош ҳисобчи О. Исмолов. Телефон

Телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги хат 2022 йил «\_» \_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_-сон  
билан руйхатга олинган.

иккинчи томондан, бундан буён “Томонлар” Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари ва “Умумий  
фойдаланишдаги телекоммуникациялар тармоғида телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидалари  
(матнда бундан буён “Қоидалар”, асосида қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар;)

**I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

Оператор телефон алоқаси хизматларини курсатиш. Абонент эса, шартнома шартларига мувофиқ ушбу хизматлар учун  
ҳақтулаш мажбуриятини уз зиммасига олади.

1.1. Абонентга ажратилган абонент рақамлари руйхати: 75 522 0912, 75 522 40 38

улардан маълумот хизматлари учун:

1.2. Абонент (охирги) қурилмаси тури, уларнинг сони, ўрнатилиш  
жойи: телефон аппарати, модем.

(телефон аппарати, модем, шахсий компьютер, факс, телекс ва бошқалар)

1.3. Қўшимча хизмат тури —

1.4. Туғридан - туғри симлар: —

1.5. Уловчи линиялар: 2 та

1.6. Параллел қурилмаларнинг сони: —

1.7. Абонент линиясининг узунлиги: 100 метр

1.8. Телекоммуникация хизматлари тўлови бўйича ҚҚС мавжудлиги: маънуқ.

## 2. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

### 2.1. Оператор куйидагиларга мажбур:

1.8. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги стандартлари, Қоидалари ва нормаларига мувофиқ ўз вақтида белгиланган сифат даражасида телефон алоқаси хизматларини кўрсатишга.

1.9. Абонентнинг станция техник носозликлари ва линия — кабель шикастланишларини бартараф эттишга аризаларни қабул қилиш. рўйхатга олиш ва уларни Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан белгиланган, лекин 20 кундан ошмаган, норматив муддатларда бажарилишини таъминлашга.

1.10. Телефон алоқаси Абонентнинг айбисиз бузилган ҳолларда, Абонент томонидан таъмирлаш (бюросига ариза берилган кундан бошлаб, абонент қурилмасининг ишламаган бутун даври учун абонент туловларини қайта ҳисоб — китоб қилишга.

2.1.4. Станция ва линия — кабель иншоотларини режадаги реконструкция қилиш ишлари натижасида телефон алоқаси вақтинча узиладиган ҳолларда, Абонентларни оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилишга.

2.1.5. Техник сабабларга кўра, абонент ракамнинг узгартирилиши туғрисида такдим этилганлиги ҳақидаги хабарнома билан Абонентни ёзма равишда камида 10 кун олдин хабардор қилишга.

2.1.6. Янги телефон станцияларининг жорий этилиши ва телефон тармоқларини реконструкция қилиниши муносабати билан Абонентнинг розилигисиз, лекин амалдаги «Қоидалар»га асосан олдиндан хабардор қилган ҳолда, телефон ракамларини бепул алмаштиришга.

2.1.7. Абонентнинг аризасига кўра, аризада келтирилган муддатга ракамни сақлаган ҳолда, телефонни вақтинча учиритишга. Бунда ракамни сақланиш вақти учун абонент тўлови олдиндан ундирилади.

2.1.8. Маҳаллий телефон алоқаси хизматларига вақтбай ҳақ тўлаш тизимидан фойдаланган ҳолда ) ҳисоб варағини чиқаришда ҳақ туланган даврга алоҳида ҳақ учун батафсил изоҳланган ҳисобни такдим этишга.

2.1.9. Операторда рўйхатга олинмаган ёки мувофиқлик сертификатига эга бўлмаган Абонент томонидан фойдаланиладиган охириги қурилмалар (телефон аппаратлари, телематик хизматлар, маълумотлар узатиш қурилмаларини, радиотелефонлар, радиоузайтиргичларни, шахсий компьютер, ракамни автоматик аниқлагич (РАА) ва ҳоказо)ни икки томонлама далолатнома тузган ҳолда учиритишга.

2.1.10. Абонент қурилмасини телефон алоқаси тармоғидан вақтинчалик узиб қуйиш йули билан телефон алоқаси тармоғидан фойдаланишини тўхтатиш:

—Маҳаллий, халқаро ва шаҳарлараро телефон алоқаси хизматларига тўловлар, учиритиб қўйишдан камида 10 кун олдин Абонентга бу ҳақида телефон орқали ёки ёзма хабарнома билан маълум қилиниб, белгиланган муддатида туланмаганда;

—Абонент томонидан телекоммуникациялар Операторнинг коммутация ускуналарини нормал ишлашини бузилишга олиб келиши мумкин бўлган абонент қурилмаларидан фойдаланиш қоидалари бузилганида;

—2.2.6. — банд шартлари бузилганда, икки томонлама далолатнома тузган ҳолда бузилишлар бартараф этилгунга қадар;

Абонент қурилмаларининг вақтинчалик учиритишига олиб келган бузилишлар бартараф этилгандан кейин, кўрсатилган хизматлар учун ҳақ, шунингдек абонент қурилмаси Абонент айби билан ишламаган вақт учун абонент тўлови Абонент томонидан тўлангандан кейин бир кеча — кундуз ичида абонент қурилмасини улаш. Бунда улаш учун тулов олинмайди.

2.1.11. Шартнома шартларига биноан, барча кўрсатилган телекоммуникация хизматлари учун Абонент томонидан тўловлар туланганида, унинг хоҳишига кўра шартномани бекор қилишга.

### 2.2. Абонент куйидагиларга мажбур:

2.2.1. Ўз телефони ва ёки бошқа охириги қурилмалардан амалга оширилган, кўрсатилган телефон алоқаси хизматлари (шу жумладан, тармоқларнинг техник имкониятлари билан белгиланадиган ва барча Абонентлар учун очик бўлган телекоммуникациянинг қўшимча хизматларидан, жумладан интеллектуал тармоқлардан фойдаланганлиги, маълумотлар узатиш ва Интернет, ахборот ресурсларидан фойдаланиш хизматлари тармоғидан паролсиз фойдаланганлиги) учун ўз вақтида тўловни амалга ошириш. Ушбу шартномада кўрсатилмаган ва талабга биноан кўрсатилган хизматлар учун амалдаги тарифларга мувофиқ ҳақ тўлаш.

2.2.2. Операторга тегишли ёки Оператор томонидан хизмат кўрсатиладиган ва Абонент фойдаланаётган телефон сими ва бошқа ускуналарни бут ва соз (ишга яроқли) ҳолатда сақлаш. Абонентга, тегишли ёки Абонент томонидан ижарага олинган телекоммуникациялар воситаларининг техник нормаларга мослигини таъминлаш.

2.2.3. Алоқа бузилганлиги туғрисида телекоммуникация боғламасининг таъмирлаш бюросига ўз вақтида хабар бериш.

2.2.4. Кўчиб кетиши, телефонлаштирилган турар — жой биноларининг сотилиши, алмаштирилиши, ижарага берилиши. (иккиламчи ижарага берилиши), фамилияни ўзгарганлиги, телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш ва уларнинг тўловлари бўйича имтиёзларга эга бўлганлик ёки уларни юқотганлик ҳолларида бир ой муддат ичида шартномани қайтадан расмийлаштириш ёки бекор қилиш, телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш шартномасини бир ой ичида ижарага олувчидан ижарага берувчига тўловсиз қайта расмийлаштириш мумкин.

Турар — жой сотилган ҳолларда телекоммуникация хизматлари учун мавжуд бўлган қарзларни тўлаш.

2.2.5. Оператор ходимларда тегишли, амал қилиш муддатига эга бўлган суратли, муҳр босилган шахсий гувоҳнома, ишларни бажариш учун наряд мавжуд бўлганда, Абонентнинг «Қоидалар» га ва ушбу шартномага риоя қилишини текшириш ёки Абонент талабномаси бўйича таъмирлаш ишларини бажариш учун руҳсат бериш.

2.2.6. Абонент қурилмасидан таксафон сифатида ёки Интернетга уланиб, пулли хизматлар кўрсатиш учун фойдаланмаслик. Оператор томонидан ажратилган телефон ракамлари орқали телекоммуникация хизматлари кўрсатилишни қонунда белгиланган тартибда амалга ошириш. Ушбу банд бузилган ҳолда, Оператор икки томонлама далолатномани расмийлаштириш орқали бузилишлар бартараф этилгунга қадар, Абонентнинг телекоммуникациялар тармоғидан фойдаланишини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга. Қоидалар такрор бузилганда шартнома бир томонлама бекор қилинади.

2.2.7. Абонент узининг абонент линиясидан ва охириги терминал қурилмасидан Интернет тармоғига уланиш учун фойдаланаётган ва жумладан қайта уланиш дастурларига уланган вақтдан бошлаб у чиқувчи телефон трафикларига ҳам жавобгардир.

2.2.8. Абонент қурилмаси сифатида фақат сертификатланган телефон аппаратлари ва бошқа қурилмалардан фойдаланиш. Ўзбекистон Республикасининг мувофиқлик сертификати бўлмаган, ракамли автоматик аниқловчи (РАА) қурилмаларни қўлламаслик.

2.2.9. Ўзбошимчалик билан охириги қурилмаларни ўрнатмаслик, параллель телефон аппаратлари ёки бошқа радиоалока, телематик хизмат ва маълумотларни узатиш охириги қурилмаларини уламаслик. Ушбу қурилмаларни улаш Оператор хабардор қилингандан сўнг ва мувофиқлик сертификатига эга бўлганда амалга оширилади.

Абонент линиясига Операторда рўйхатга олинмаган абонент қурилмасининг Абонент томонидан ўзбошимчалик билан уланган вақтини аниқлаш мумкин бўлмаганда, абонент тўлови жорий йилнинг бошидан ундирилади.

2.2.10. Радиотелефонлар ва бошқа радиоэлектрон воситаларни (қуввати 10 мВт дан кўп бўлмаган симсиз телефонлардан ташқари) уларни эксплуатация қилишга Ўзбекистон алока ва ахборотлаштириш агентлигидан ёки унинг ваколатли органидан рўйхат олингандан ва Операторни хабардор қилингандан кейин абонент қурилмаси сифатида улаш.

2.2.10. Телекоммуникациялар тармоқларининг иш сифатини пасайишига ёки шикастланишига йуналтирилган ҳаракатлар қилмаслик.

### **3. ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ ХИЗМАТЛАРИГА ҲАҚ ТЎЛАШ.**

3.1. Телефон алоқаси хизматларига ҳақ тўлаш конун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқланган тарифлар бўйича амалга оширилади ва хизматлар кўрсатилган пайтда амалда бўлган тарифлар бўйича ҳақ тўланади.

3.2. Телефон алоқаси хизматлари учун ҳақ тўлаш телефон боғламалар ва АТСдаги ҳисоб — китоб кассаларида, юқорида номи кўрсатилган тўловларни қабул қилиш ваколатига эга бўлган почта алоқаси бўлимларида, банк муассасаларида амалга оширилади. Алока хизматларига туланганлиги туғрисидаги квитанция уч йил давомида сақланиши зарур.

3.3. Телефон алоқаси хизматларига тўловлар қуйидагича амалга оширилади:

— олдиндан ҳақ тўлаш йўли билан;

— бевосита хизматлар кўрсатилгандан кейин;

— ҳисоб—китоб даврига кечиктириш йўли билан.

3.4. Маҳаллий тармоқ хизматларидан фойдаланганлик учун тулов ҳисобот (жорий) ойининг сўнгги санасидан кечиктирмасдан амалга оширилади. Олдиндан ҳақ тўлашни амалга оширишда тўловни қабул қилиш бир ойдан кам бўлмаган, лекин 12 ойдан ошмайдиган муддат учун амалга оширилади.

3.5. Телефон алоқаси хизматлари, учун олдиндан ҳақ тўлашда аванс тўловининг суммаси Оператор томонидан жорий этилган биллинг тизими орқали қуйидаги кетма — кетликда қамайтирилиб борилади:

---

Ушбу бандда кўрсатилган хизматлар учун таърифлар ошганда, улар юзасидан ҳисоб — китоблар аванс суммаси тугагунга қадар, агар ушбу хизматлар юзасидан тўлов универсал хизматларга таърифлар ўзгарганлиги туғрисида эълон қилингангача амалга оширилган бўлса, аввалги таърифлар бўйича амалга оширилади.

3.6. Маҳаллий (хизматларга ҳақ тўлашнинг вақтбай тизими жорий қилинган бўлса), халқаро ва шаҳарлараро телефон алоқасидан, шу жумладан, маълумотларни узатиш ва телематик хизматлардан фойдаланганлик учун тўлов ҳисоб варақасида кўрсатилган санадан бошлаб, 15 кун муддат ичида амалга оширилади.

3.7. Абонент ҳисобот давридан кейинги бир ой ичида телекоммуникация хизматларига ҳақ тўлаш бўйича, шу жумладан телефон учирилган вақт учун қарзини тўламаса ёки 2.2.6— банд такрор бузилса, Оператор телефон рақамини олиб қўйиш ва бу ҳақда Абонентнинг ёзма равишда камида 10 кун олдин топширилганлиги туғрисидаги хабарнома билан хабардор қилиши орқали шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақлидир. Телефон ёки бошқа қурилмаларни янгидан ўрнатиш ариза берилгандан сўнг техник имкониятларга кўра, шартнома бекор қилинган даврдаги Абонентнинг ҳисобидаги қарзлари узилгандан кейин 12 ой ичида таъриф бўйича ўрнатиш ҳақининг 50 фоизи тўлангандан сўнг амалга оширилади. Бу ҳолатда умумий асосда янги телефон рақами берилади.

3.8. Автоматик маҳаллий (телекоммуникация хизматларига ҳақ тўлашнинг вақтбай тизимида), халқаро ва шаҳарлараро телефон алоқасида ҳақ тўланадиган сўзлашув вақти чиқарилаётган телефон орқали жавоб берган ҳар қандай шахс билан сўзлашув бошланган пайтдан бошлаб ҳисобланади. Агар телефонга уланган қандайдир техник қурилма (факс, автожавоб берувчи, РАА ва ҳоказо) билан уланиш ҳолларида, ҳақ тўланадиган сўзлашув вақти қурилма билан уланиш пайтидан бошлаб ҳисобланади.

3.9. Телефон ёки бошқа охириги қурилмалар Абонентнинг айби билан ишламаган вақти учун абонент тўлови тўлик миқдорда ундирилади.

### **4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.**

4.1. Абонентнинг айбисиз юзага келган шикастланишлар 20 кун муддатда бартараф этилмаган ҳолда, Оператор Абонентнинг талабига кўра кечиктирилган ҳар бир кун учун қайта ҳисоб — китобни амалга ошириш йўли билан унга абонент тулови қийматининг 1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, лекин пеня миқдори абонент тўлови қийматидан ошмаслиги керак.

4.2. Абонент тўланиши лозим бўлган суммадан, сўзлашиш давомийлиги ёки сўзлашувнинг унга тегишлилигидан норози бўлганда ҳисоб қоғозини олгандан кейин 45 кун давомида ёзма равишда унга эътироз билдириш ҳуқуқига эга. 45 кун утгандан кейин даъволар қабул қилинмайди. Абонент текшириш натижаларидан норози бўлган ҳолда, судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

4.3. Текшириш ўтказилаётган вақтда (4.2—банд) телефон уланган бўлиши керак.

4.4. Абонент ўзи фойдаланган маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар, Интернетга чиқиш ва Оператор томонидан барча фойдаланувчилар учун кўрсатилган хизмат ва бошқа телекоммуникация хизматлари учун тўлик моддий жавобгардир.

4.5. Шартнома шартлари Томонлар тарафидан бузилгачда жавобгарлик Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролик кодекси»га, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш туғрисидаги, «Телекоммуникациялар туғрисида»ги конунларга, «Умумий фойдаланишдаги телекоммуникациялар тармоғида телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидалари»га ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа амалдаги конун актларига мувофиқ белгиланади.

### **5. ФОРС-МАЖОР**

5.1. Шартнома тузилгандан сўнг, бартараф этилиши томонларнинг таъсири ва истакларига боғлиқ, бўлмаган, вақтинча ёки узок вақт шартномани зарур даражада амалга оширишга ҳалақит берадиган вазиятлар содир бўлганда, яъни табиий офатлар, ноқулай об-ҳаво шароити, ҳукумат тадбирлари, ҳокимият органларининг қарорлари, харбий низолар, ички тартибсизликлар ва бошқа ҳолларда, юқорида айтиб ўтилган ҳолатлар мавжудлиги туфайли Томонлар тарафидан шартнома мажбуриятлари бузилган деб ҳисобланмайди ва шартнома мажбуриятларини бажариш муддатлари ушбу ҳолатлар давом этиш вақтига сурилади.

5.2 Шартнома мажбуриятларини бажариш имкониятига эга бўлмаган Томон, дарҳол иккинчи Томонни юқоридаги ҳолатларнинг юзага келганлиги, шунингдек бартараф этилганлиги туғрисида хабардор қилиши керак.

5.3. Бартараф этилиши мумкин бўлмаган вазиятлар содир бўлгани ёки уларни бартараф этилгани ҳақида ўз вақтида, 15 кундан куп бўлмаган муддатда хабар бераман Томон кейинчалик шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда, вазиятларни сабаб қилиб кўрсата олмайди.

## 6. ЭЪТИРОЗ ВА ДАЪВОЛАР

6.1. Ушбу шартномани бажаришда ёки талаб даражасида бажарилмаганда Томонлар тарафидан тақдим қилиниши мумкин бўлган барча эътироз ва даъволар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

## 7. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

7.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар Томонларнинг розилиги бўйича шартномага қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан киритилади. Томонларнинг шартномани ўзгартириш ва тўлдириш туғрисидаги битими ёзма шаклда бўлгандагина ва Томонларнинг имзоси билан тасдиқланган тақдирда ҳақиқийдир.

7.2. Томонлар тарафидан шартнома шартларига киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар унинг ажралмас қисми бўлиб қолади ва уларга амал қилиш мажбурийдир.

7.3. Шартнома Томонларнинг келишувига кўра, қонун ҳужжатлари ўзгартирилганда, «Қоидалар» ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда қайта тузилиши мумкин. Ушбу банд қонун ҳужжатлари талабларига мос келади.

## 8. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1 Шартнома Томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва 20 \_ йил “\_” \_\_\_\_\_ гача амал қилади. Агар шартноманинг амал қилиш муддати тугашига бир ой қолганда. Томонлардан бирининг шартномани бекор қилиш туғрисидаги аризаси бўлмаса, ушбу шартноманинг муддати ҳар йили чўзилган деб ҳисобланади.

8.2. Шартнома қуйидаги ҳолларда муддатдан олдин бекор қилиниши мумкин:

- Томонларнинг розилиги билан;
- шартнома мажбуриятлари Томонлардан бири тарафидан бажарилмаганда;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолатларда.

8.3. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлиб, 2 нусxada тузилади ва Томонларнинг ҳар бир нусхадан берилади.

## 9. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

### ОПЕРАТОР

«Ўзбектелеком» АҚ Қашқадарё филиали  
Шаҳрисабз ТКБ, Фуркат 2 уй  
Х/р: 20210000504074838334  
МФО: 00401, Тошкент Алоқа банк  
ИНН: 203 366 731, ОКОНХ: 61100  
Телефон: 0(375) 522-01-25, 0(375) 522-00-70




Раҳбар:

А.П.Зайнитдинов

### АБОНЕНТ

Шаҳрисабз т. Ободонлиқ, Бошқар.  
Шаҳрисабз ш. Асли-Навроз 76  
Х/р: 100022860102457065200110004  
МФО: 00014  
Банк: Тошкент ш. Марказий банк  
ИНН: 206933094, ОКОНХ: 90290  
Телефон: 35 522 4038



Раҳбар:

М.Ў.

«Ўзбектелеком» АҚнинг Қашқадарё филиали ҳуқуқшуноси \_\_\_\_\_  
«Умумий фойдаланишдаги телекоммуникациялар тармоғида телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидалари» билан танишдим. \_\_\_\_\_

(Абонент имзоси)

2022 й 17.01.

№ 26608 сонли шартномага 1 илова


Шахрисабз Телекоммуникация боғламаси томонидан 2022 йил давомида курсатиладиган

**АЛОКА ХИЗМАТИ**

Ойлар	Улчов бирлиги	Телефон		
		Точкалар сони	Нархи	Сумма
Январь	дона	2	25.000	50.000
Февраль	дона	2	25.000	50.000
Март	дона	2	25.000	50.000
<b>Жами</b>	дона			150.000
Апрель	дона			
Май	дона			
Июнь	дона			
<b>Жами</b>	дона			
Июль	дона			
Август	дона			
Сентябрь	дона			
<b>Жами</b>	дона			
Октябрь	дона			
Ноябрь	дона			
Декабрь	дона			
<b>Жами</b>	дона			
<b>Хаммаси</b>	дона			150.000


Бир ноз эллик минг сўм

Таъминотчи



Истемолчи

Шахрисабз тумани Ободон  
 Латифов дошқармаси  
 дошқармаси  
 М.У.



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

1. Loyi haning turi – shartnoma.

2. Loyi haning nomi – “O'zbektelekom” AK Qashqadaryo filiali Shahr isabz telefon kommunikatsiya bo'limi va Shahr isabz tumani obodonlashtirish boshqarmasi o'rtasida tuzilgan 150.000 (bir yuz ellik ming) so'm miqdordagi yuridik shaxs va yuridik shaxs sifatida shakllanmagan xususiy tadbirkorlarga telefon aloqasi xizmatlarini ko'rsatish shartnomasi.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana – Shahr isabz tumani obodonlashtirish boshqarmasi, 2022-yil 20-yanvar.

4. Loyiha bo'yicha taklif va (yoki) e'tirozlar: yuq

XULOSA: Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Shahr isabz tuman yuridik xizmat ko'rsatish  
markazi bosh yuriskonsulti**



**F.F.Karimov**

**2022-yil 21-yanvar**